


Аллоҳ таолога чиройли тақво қилиш



11:56 / 27.09.2025 1610

Тақво — мухлис бандаликнинг асосий белгиси. Биз тақво йўлини тутар эканмиз, ўзимизнинг чин бандалик даражамизни намоён этган, шайтон ва нафс алдовларидан сақланган, ҳаётда «истиқомат» деб аталмиш йўналишимизни белгилаб олган бўламиз.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

مِّنْ بَرَكَاتٍ عَلَيْهِمْ لَفَتَحْنَا وَاتَّقُوا ءَامِنُوا الْقُرَىٰ أَهْلَ أَنْ وَلَوْ

يَكْسِبُونَ كَانُوا بِمَا فَآخَذْنَهُمْ كَذَّبُوا وَلَكِنَّ الْأَرْضِ السَّمَاءِ

«Агар шаҳар-қишлоқ аҳли иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни касб қилган нарсалари туфайли тутдик» (Аъроф сураси 96-оят).

Жуда кўпчилик инсонлар тақвони «Аллоҳдан қўрқиш» дея хато тушунадилар. Аслида тақво «ҳимояланиш» деган маънони билдиради. Хўш, нимадан ҳимояланишимиз керак? Аллоҳни дарғазаб қилишдан, гуноҳ-маъсиятлар билан Унинг ғазабига дучор бўлиб қолишдан ўзимизни ҳимоялашимиз лозим. Агар Аллоҳдан фақат қўрқсагу, унга муҳаббатимиздан ана шу қўрқув устун келса, унда «қўрқув ва умид» деб аталмиш илоҳий мезон бузилади. Банда қўрқув исканжасида қолиб, ўзида илоҳий марҳаматдан умидсизлик пайдо қилади. Аслида биздаги қўрқув нафс ва шайтон алдовига учиб, Аллоҳга қарши гуноҳ қилиб қўйишимиздан бўлмоғи лозим. Бунинг аксича умидга буткул берилиб кетиш ҳам адашиш сари етаклайди. Зеро, ҳар қандай гуноҳ-маъсиятлар ҳам ўз-ўзидан кечирилиб юборилмайди. Ҳаддан зиёд ишониб, умидга суяниб қолишимиз ҳам хато. Муҳими, ўртаҳолликдир. Шуни унутмангки, Аллоҳ таоло бесабаб қўрқиладиган Зот эмас. У бизни ўзимиздан ҳам кўпроқ яхши кўради. Ҳадиси қудсида бу хусусда шундай дейилади: «Еру осмонларга сиғмаган Аллоҳ мўъмин бандасининг калбига сиғади».

Яна бошқа бир ҳадисда: «Биз Унга бир қарич яқинлашсак, У бизга бир зироъ, бир зироъ яқинлашсак, у бир аршин яқинлашади. Биз У томонга юрганимизда эса, у биз томонга «югуради», дейилади. Шундай Зотнинг бандаси эканмиз, Унинг ғазабини келтиришдан қўрқишимиз керак. Акс ҳолда Аллоҳ таолонинг қаҳри келади. У бизга шоҳ томирларимиздан ҳам яқиндир.

بِمَعْرُوفٍ فَارِقُوهُنَّ أَوْ بِمَعْرُوفٍ فَأَمْسِكُوهُنَّ أَجْلَهُنَّ بَلْغَنَ فَإِذَا

ذَلِكَ لَكُمْ لِلَّهِ الشَّهَادَةُ وَأَقِيمُوا مِنْكُمْ عَدْلٍ ذَوَى وَأَشْهَدُوا

اللَّهُ يَتَّقِ وَمَنْ الْآخِرِ وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ يُؤْمِنُ كَانَ مِنْ بِهِ يُوعِظُ

عَلَى يَتَوَكَّلْ وَمَنْ يَحْتَسِبُ لَا حَيْثُ مِنْ وَيَرْزُقَهُ ﴿٢﴾ مَخْرَجًا لَهُ يُجْعَلُ

شَيْءٍ لِكُلِّ اللَّهُ جَعَلَ قَدْ أَمْرِهِ بَلِغُ اللَّهُ إِنَّ حَسْبُهُ فَهُوَ اللَّهُ

قَدَرًا ﴿٣﴾

«Улар муддатларига етсалар, уларни маъруф билан ушланглар ёки улар билан маъруф ила ажрашинглар ва ўзингиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар. Ва гувоҳликни Аллоҳ учун қилинглар.

Бундан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса, ваъзланур. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир».

«Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Батаҳқиқ, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўлчов қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

Мунтазам тақвода бўлсак Аллоҳ таоло бизнинг дунё ва охира
ташвишларимизни енгиллатади. Танг аҳволдан қутқариб, моддий ризқ
ташвишидан халос этади. Барча қийинчиликларда бизга кифоя қилиб,
улардан қутулиш йўлларини осон қилиб қўяди. Моддий ризқ
ташвишларимиз ўз-ўзидан ариб, ризқимиз ҳатто хаёлимизга ҳам келмаган
жойдан осонгина келади. Қайсидир бандаларининг кўнглига солиб, уларни
бизнинг ҳожатбарорларимизга айлантириб қўяди. Шу орқали ваъдасини
амалга оширади. Муҳими, биз ўзимизнинг чиройли тақвоимиз билан ўз
зиммамиздаги вазифамизни аъло даражада бажармоғимиз лозим.

????? ?????? ??????????? ??????? ??? ?????????? ??????????

????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ????????????

?????????????? ?????????? ?????????????????? ??? ??????????

????????????? ??????? ?????????????????????????? ??????????????????

????????? ?????? ??????????????? ??????? ?????? ??????????????????

????????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ???

????????????? ?????????? ?????????? ??????? ??????????????

????????????? ??????????

«Менинг қалбимга Рухул-Қудус (Жаброил алайҳиссалом): «Ҳеч бир жон ризқини тўлиқ олмагунча вафот этмайди», деб ваҳий қилди. Шундай экан, Аллоҳга тақво қилинглари ва ризқини (ҳалол йўл билан) чиройли талаб қилинглари. Ризқдан бирор нарсани кечикиши сизларни уни Аллоҳга гуноҳ йўл билан талаб қилишга олиб бормасин. Албатта, Аллоҳ тақдир қилган ризқини ҳирсли кишининг ҳирси ҳам торта олмайди, уни хушламаган кимсанинг ёқтирмаслиги ҳам қайтара олмайди» (Қаранг: Ибн Абу Шайба, ал-Муснад, 35473; Ҳоким, ал-Мустадрок, 2136; Байҳақий, Шуъабул-ийман, 10376.)

Шунга яқин маънодаги бошқа бир ҳадисда эса:

«...Аллоҳга тақво қилинглари ва ризқини (ҳалол йўл билан) чиройли талаб қилинглари: ҳалол бўлганни олинглари, ҳаром бўлгандан эса воз кечинглари» дейилади. (Сунани Насоий, «Тижоратлар» боби, 2 (2144).

Ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳга тақво қилиш ва ризқини (ҳалол йўл билан) чиройли талаб қилиш.
2. Ризқдан бирор нарсанинг кечикиши уни Аллоҳга гуноҳ йўл билан талаб қилишга олиб бормаслиги кераклиги.
3. Аллоҳ тақдир қилган ризқини ҳирсли кишининг ҳирси ҳам торта олмаслиги, уни хушламаган кимсанинг ёқтирмаслиги ҳам қайтара олмаслиги.
4. Ҳеч бир жон ризқини тўлиқ олмагунча вафот топмаслиги.
5. Ҳалол бўлганни олиш, ҳаром бўлгандан эса воз кечиш лозимлиги ва ҳоказо.

«Ризқнинг 35 сири» китоби асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февралдаги 03-07/926-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.